O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

■ 2004-YIL ■ 19-OKTYABR ■ SESHANBA ■ 124 (27.299) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

# ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17-18 октябрь кунлари Тожикистон Республикаси пойтахти Душанбе шаҳрида бўлиб, «Марказий Осиё ҳамкорлиги» (МОҲ) ташкилотига аъзо Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этди

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов иштирок этган мазкур саммит МОҲ ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйганини, фаолияти янгича мазмун билан бойий бошлаганини кўрсатди. МОҲ сафи янада кенгайди — Россия Федерацияси унга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «Россиянинг МОҲга аъзо бўлиши табиий ва қонуний жараёндир». Негаки, «Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик бўлишидан Россия манфаатдор».

Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида 2002 йил 28 февралда имзоланган «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги шартномага, Ўзбекистоннинг ташаббуси билан, Россия Федерациясининг қўшилишига оид қарор қабул қилинди.

Ислом Каримов минтақамизда Россия ўз манфаатларига эга эканини алоҳида таъкидлади. Бинобарин, Россиянинг қўшилиши МОҲнинг салоҳият ва имкониятларини янада оширади, фаолиятини янги мазмун билан бойитади.

Маълумки, ташкилот аъзолари анча вақтдан буён Марказий Осиё минтақасида сув-энергетика, озиқ-овқат ва транспорт консорциумларига оид концепцияларни муҳокама этиб келади. Душанбе саммитида минтақа мамлакатлари мазкур соҳаларда бир-бири билан узвий боғлангани таъкидланди. Ягона консорциумларнинг тузилиши муайян соҳаларда энг камхарж, энг қулай савдо-сотиқни йўлга қўйиш имконини беради. Энергетика таъминотидаги узилишлар ва транспорт қатновидаги англашилмовчиликларнинг олди олинади.

Иқтисодиётга оид жиноятларга қарши курашда ҳам консорциумларнинг аҳамияти катта бўлишига шубҳа йўқ. Зеро, ноқонуний савдога ўрин қолмайди, божхона қоидаларининг бузилишига йўл қўйилмайди. Яна бир аҳамиятли томони шуки, бундай консорциумларни ташкил этишда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби нуфузли халқаро молия муассасалари ҳам қатнашиш истагини билдирмоқда. Президентлар консорциумлар тузиш концепцияларини атрофлича муҳокама қилиб, аъзо мамлакатлар ҳукуматларига бир ойда тегишли битимлар лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифасини топширишга келишиб олдилар.

Мазкур уч консорциум Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Марказий Осиё умумий бозорини барпо этиш ташаббусининг мантиқий самарасидир. Саммит қатнашчилари умумий бозорни шакллантириш концепцияси лойиҳасини тасдиқладилар.

Президентлар иқтисодий соҳадаги алоқалар юзасидан фикр алмашар экан, ишбилармон доиралар вакилларининг анжуманларида эришилган натижаларни ҳаётга кенгроқ татбиқ этишга доир масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

(Давоми 2-бетда.)

# ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ —

ЖАМИЯТДА АЁЛЛАР МАВҚЕИНИ ОШИРИШ, ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МЕҲНАТ ВА ЯШАШ ШАРОИТЛАРИНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШ, УЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАЁТДА ФАОЛ ҚАТНАШИШЛАРИ БИЛАН БИРГАЛИКДА, ОИЛАДА БОЛАЛАР ТАРБИЯСИДАГИ МУҚАДДАС БУРЧЛАРИНИ БАЖАРИШЛАРИ ИМКОНИНИ БЕРУВЧИ ЗАРУР ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ УЧУН КУРАШАДИ




БИЗНИНГ ОВОЗИМИЗ — ОЗОД ВА ОБОД ВАТАНИМИЗНИНГ БУГУНИ, ЭРТАСИ ВА КЕЛАЖАГИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Фармон ва ижро



## АГРАР УНИВЕРСИТЕТ ИФТИХОРЛАРИ

Тошкент давлат аграр университети нафақат замонавий ўқув масканлари, ажойиб спорт иншоотлари, таниқли олиму, иқтидорли талабалари айни чоғда профессор-ўқитувчиларнинг ярмидан кўпроғи хотин-қизлар экани билан ҳам фахрланади.

Бу ерда меҳнат қилаётган 460 нафар профессор-ўқитувчининг 266 нафари хотин-қизлардир.

Олий ўқув юртида таҳсил олаётган 400 нафар талаба-қиз орасида Президент стипендиантлари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари бор. Университет қизлари спорт жамоаси республикадаги энг кучли жамоалардан бири саналади.

Хотин-қизларни ҳурмат қилиш, уларнинг меҳнатини қадрлаш, билим олиши ва камолга етиши учун кенг йўл очиш университетда шаклланган анъаналардан. Бу ерда нафақат юқори малакали қишлоқ хўжалиги мутахассислари, балки янги демократик жамиятнинг фаол бунёдкорлари ҳам тайёрланади.

Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эса хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун янгидан-янги имкониятлар яратмоқда.

**Зоҳид ҚЎШАРОВ**

**Суратларда:** университетнинг менежмент факультети магистри Екатерина Аблаева. У 2001 йилда Президент стипендианти бўлган эди, ўтган йили Зулфия номидаги давлат мукофотини олди; менежмент факультети магистри Саида Искандаровани эса кўпчилик яхши билади. У халқаро тоифадаги спорт устаси, сузиш бўйича Осиё чемпиони, Сиднейда бўлиб ўтган Олимпиада ўйинлари қатнашчиси, «Универсиада — 2002»нинг олтин соврини соҳибаси, спортда эришган катта ютуқлари учун «Тико» автомобили билан мукофотланган.



Рустам ШАГАЕВ (ЎзА) олган суратлар

## САЙЛОВОЛДИ ПЛАТФОРМА ЛОЙИҲАСИГА ОИД СУҲБАТ

Куни кеча Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида «давра суҳбати» бўлиб ўтди. Унда партиянинг сайловолди платформаси лойиҳасига оид иқтисодий масалалар муҳокама қилинди.

Анжуманда ХДП МК биринчи котиби Аслиддин Рустамов, МК котиби Михаил Ельшов, ХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби Латиф Ғуломов, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети проректори, профессор Гулчеҳра Охунова, иқтисод фанлари доктори, профессор Руфат Раззоқов, юридик фанлари номзоди Хайрулла Рўзметов, «Бувайда» ҳиссадорлик жамияти раиси Адҳамжон Солиев, Мирзо Улуғбек туманидаги Аҳолини ижтимоий мослаштириш маркази раҳбари Нигора Мадиева ва бошқалар иштирок этиб, мазкур масала юзасидан ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар.

«Давра суҳбати» баҳс-мунозарага бой бўлди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

## ЎзХДП САЙЛОВОЛДИ ПЛАТФОРМАСИГА ТАКЛИФЛАР

### АНИҚЛИК ТАЪСИРЧАНЛИКНИ ОШИРАДИ

Партиямизнинг сайловолди платформасида аниқ таклифлар қанча кўп бўлса, у шунчалик таъсирчан бўлади. Платформада қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар, хусусан, деҳқонларга хўжалик ишларида эркинлик бериш, уларнинг манфаатларини кўзлаб лизинг амалиётини такомиллаштириш, кредитларнинг фоизларини камайтириш, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида етиштириладиган пахта ва ғалланинг нархларини уларга кетадиган меҳнат кучи ҳамда сарф-харажатларга қараб (у бошқа минтақаларга қараганда анча юқори) ошириш масалаларини қўйиш айни муддао бўлар эди.

Бизда бандлик тўғрисидаги қонун мавжуд бўлгани билан унинг жойлардаги ижроси унчалик яхши эмас. Шуни ҳисобга олиб, 5-10 йилга мўлжалланган миллий бандлик дастурини ишлаб чиқишни ва уни ҳаётга татбиқ этишни таклиф этиш ҳам жуда ўринли бўлар эди. Шунингдек, меҳнат миграциясини қонунийлаштириш учун бу ҳақда махсус қонун қабул қилиш, қатор давлатлар билан шунга оид битим ва шартномаларни тузиш таклифларини илгари суриш керак.

Ва яна, партиямизнинг сайловолди ҳужжатида аҳолига тиббий ва коммунал хизмат кўрсатиш, халқ таълими ва экология муаммолари ҳам ўрин олиши лозим, деб ҳисоблайман.

**Алписбой ИБАДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши котиби**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Муборак Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Саудия Арабистони Подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва ўз номимдан самимий табрик ва эзгу истакларни изҳор этишдан ғоят мамнунман. Сизга сиҳат-саломатлик, бахт ҳамда биродар Ўзбекистон халқига тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Аллоҳ азза ва жалладан ушбу саодатли кунларда рўза ва бошқа ибодатларимизни қабул қилиши ҳамда ислом умматига хайр-баракот ато этишини сўраб қоламан.

Жаноби Олийлари, чуқур эҳтиромларимни қабул этгайсиз.

Биродарингиз

**Фаҳд бин Абдулазиз Ас-САУД,**
**Икки муқаддас масжид ходими,**
**Саудия Арабистони Подшоҳи**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Фазилатли Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини Тунис халқи, ҳукумати ва ўз номимдан очиқ кўнгил ила муборакбод этиш менга ҳузур бахш этмоқда.

Қодир Аллоҳдан бундай кунларни барчамизга хурсандчилик ва баракотлар ила такрор қилиши, қардош халқларимиз фаровонлиги, мусулмон умматининг равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни қўллашини сўраб қоламан.

**Зайн ал-Обидин бин АЛИ,**
**Тунис Республикаси Президенти**

## БУХОРО ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИГА, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

**Қадрли дўстлар!**

**Авваламбор сиз, азиз Бухоро аҳлини бугунги қўлга киритган улкан ғалабангиз — давлатга пахта топшириш шартнома режасини мамлакатимизда биринчилар қаторида бажарганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.**

**Ҳаётнинг мураккаб синов ва қийинчиликларида тобланган, тадбиркор ва омилкор Бухоро вилояти деҳқонларининг фидокорона меҳнати билан бунёд этилган 360 минг тонналик катта пахта хирмони юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш йўлида қўшилган салмоқли ҳисса бўлди, десак, ҳеч қандай муболағa бўлмайди.**

**Бу меҳнат зафарига осонликча эришилмагани, унинг замирида Бухоронинг оғир иқлим ва табиий шароитида ҳар қарич ер, ҳар томчи сувни қадрлайдиган, пахтачиликнинг сир-асрорини, ишнинг негизини пухта биладиган, ҳосил тақдирини ўйлаб кечани-кеча, кундузни-кундуз демай тер тўкадиган минг-минглаб заҳматкаш деҳқонларнинг, мутасадди ходимлар ва мутахассисларнинг фидокорона меҳнати мужассам эканини барчамиз яхши англаймиз.**

**Қишлоқ хўжалик соҳасида ислоҳотларни изчил амалга ошириш, Бухоро деҳқончилик мактабига хос бўлган қадимий ва бой анъаналардан, замонавий фан ва техника ютуқларидан самарали фойдаланиш ҳисобидан кўплаб ширкат ва фермер хўжаликлари етиштирилган пахта хомашёсини юқори сифат билан топшириб, деҳқонларнинг моддий манфаатдорлиги учун мустаҳкам пойдевор яратгани таҳсинга лойиқ.**

**Айниқса, шу замин, шу тупроққа мос, серҳосил навларнинг яратилгани, одамларда ерга эгалик туйғуси кучайиб бораётгани, далада ишлаётган барча одамларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш ва рағбатлантиришнинг янги усуллари жорий этилаётгани бу ғалабани таъминлашда муҳим омил бўлгани шубҳасиз.**

**Ишончим комилки, Бухоронинг юкини ўз елкасида кўтариб, унинг қадимий шуҳратини янада юксалтириб келаётган вилоят меҳнаткашлари халқ хўжалигининг бошқа соҳалари бўйича ҳам зиммага олган мажбуриятларни адо этиб, йилни ёруғ юз билан якунлайди.**

**Сизларни улкан меҳнат ғалабангиз билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака тилайман.**

**Доимо омон бўлинг, ҳеч қачон кам бўлманг, азизларим!**

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## ТАДБИРКОРЛИК ВА ОМИЛКОРЛИК ТУФАЙЛИ

бухороликлар 360 минг тонналик пахта хирмонини яратиб, бу йил ҳам мамлакатда биринчилардан бўлиб шартнома режасини бажардилар

Юртбошимиз бир гал айтган эдилар: Бухоронинг ҳар қарич ери деҳқоннинг пешона тери билан суғорилади...

Зўр таъриф. Чунки, Зарафшон дарёси суви вилоятгача жуда камдан-кам ҳолларда етиб келади. Бошқа оқар сув манбалари йўқ ҳисоби. Бунинг устига экин майдонлари шўрлаб кетган...

Шундай бўлишига қарамай, бу ерда деҳқончиликнинг ўзига хос тажриба мактаби яратилди. Бухоро иқлимига мос пахта навлари вужудга келди. Айниқса, «Бухоро-6»нинг кейинги авлодлари, нафақат вилоятда, бошқа ҳудудларда ҳам яхши самара бермоқда. Бу йил Бухорода 126681 гектар майдонга ана шундай навлар экилди.

— Энг асосийси, — дейди **вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Матлуб Нўъмонов,** — ер ҳақиқий эгасини топди, деҳқон эркинлик олди. Тўла фермер хўжалигига айлантирилган Ромитан тумани бунинг ёрқин мисоли. Туманда бир пайтлар қолоқлик ботқоғига ботган ширкат хўжаликлари тарқатилиб, ерлар бутунлай фермерлар ихтиёрига берилгач, иқтисодий ўсиш ва деҳқончилик маданияти борасида бу ерда жуда катта ижобий силжишлар рўй берди, десам хато бўлмас...

Дарвоқе, ҳозир вилоятда 4948 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Агар 2003 йилда фермер хўжаликларида 106112 тонна пахта етиштирилган бўлса, эндиликда бу рақам 173100 тоннани ташкил этаётир. Етиштирилган пахтанинг 48 фоизи ҳам улар ҳиссасига тўғри келмоқда.

— Ютуқларнинг яна бир омили, — деб ҳикоя қилади **Ғиждувон туманидаги Файзулла Хўжаев номли ширкат хўжалиги раиси Ғайниддин Носиров,** — йиғим-терим стратегиясидаги ўзгариш. У ҳам бўлса теримга ҳосилнинг 85-90 фоизи пишиб етилгандагина киришиш. Бу усулда — ҳам вақтдан ютасиз, ҳам ҳосилнинг асосий қисмини юқори навларга сотасиз... Биз, масалан, шу усулда 2320 тонна пахтани юқори навга сотиб, катта даромад олдик...

Бултур вилоятда йиғим-терим қарийб икки ойга чўзилиб, давлатга пахта сотиш режаси 50 иш кунида уддаланганди.

«Пахта — 2004»



2-бет

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

